



ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ*
к договору (контракту) от 06.12.2022 г. № 01

между АБРОР МЕЛИОРАЦИЯ ТИЗИМИ мчж и Боёвут ирригация тизими бошқармаси на общую сумму **460000000,00**

Глава _____ 170
Казначейский лицевой счёт _____ 100021860242067042402170001

(в сумах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			Всего
	4233900			
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь	460 000 000,00			460 000 000,00
Всего за год	460 000 000,00			460 000 000,00

Всего 460000000,00 сум

Четыреста шестьдесят миллионов сум 00 тийин

сумма прописью

Из вышеуказанной суммы 138000000,00 сум или 30,00%*** от общей суммы договора подлежат предоплате в _____ мес. 20__ г.

(*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2-х экземплярах;

(**) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;


(***) — Месячный _____% , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до _____ числа текущего месяца.

(Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика


Шакаров Улугбек Файзуллаевич
(подпись) Ф.И.О.

Главный бухгалтер заказчика


Турдикулов Улугбек Жуманазарович
(подпись) Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения _____

(подпись)

Получил работник заказчика _____

(подпись)

«__» _____ 20__ г.

«__» _____ 20__ г.

**Пудрат ишларини бажариш бўйича
ШАРТНОМА № 01**

06 декабрь 2022 йил

Оқолтин тумани

Амалда Низом асосида иш кўрувчи кейинчалик «Буюртмачи» деб юритувчи **Боёвут ирригация тизими бошқармаси** раҳбари **У.Ф. Шакар**ов бир томондан амалдаги Устав асосида иш кўрувчи, кейинчалик «Пудратчи» деб юритилувчи **ABROR MELERATSIYA TIZIMI MCHJ** номидан иш кўрувчи **Х. Игамбердиев** иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

1. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. Мазкур шартнома Боёвут ирригация тизими бошқармасига қарашли суғориш тармоқларини таъмирлаш, механизм ёрдамида тозалаш ва гидротехник иншоатларни жорий таъмирлаш ишлари учун тузилди.

1.2. Ушбу шартнома шартлари бажарилишини томонлар Ўзбекистон Республикасининг қонун-қоидаларига асосланган ҳолда амалга оширадилар.

2. ШАРТНОМА УМУМИЙ ШАРТЛАРИ

2.1. «Буюртмачи» «Пудратчи»га таъмирлаш ишларини бажариш учун лойиҳа-смета ҳужжатлари билан тўла-тўқис таъминлайди. Лойиҳа-смета ҳужжатларини «Пудратчи» «Буюртмачи» номидан тайёрлатиш мумкин. Бу ҳолда «Буюртмачи» «Пудратчи»га кетган сарф-харажатларни 1 ойдан ошмаган муддатда тўла-тўқис тўлаб беради.

2.2. Лойиҳа-смета ҳужжатларида ёки бажарилган ишлар далолатномасидаги Ф-5 лимитланган ва бошқа харажатлар «Буюртмачи» «Пудратчи» билан ўзаро тасдиқланган тақдим этилади.

2.3. «Пудратчи» шартномада кўрсатилган иш турларини бажариш учун ёрдамчи ташкилотлар (суподряд)ни «Буюртмачи»дан рухсат олмаган ҳолда жалб этиши мумкин. Бу ҳолда ёрдамчи ташкилот билан «Пудратчи» ўзаро тузилган шартнома асосида ҳисоб-китоб қилади.

2.4. Таъмирлаш ишларини бажариш учун «Буюртмачи» «Пудратчи»га қурилиш майдонини ўз вақтида бўшатиб беради.

2.5. Бажарилган ишлар далолатномаси ҳар ойнинг 28 кунигача «Пудратчи» томонидан «Буюртмачи» томонидан тасдиқланади.

2.6. Иш бажариш давомида лойиҳа-смета ҳужжатларидан ташқари бажарилиши керак бўлган «Буюртмачи» ва «Пудратчи» ўртасида алоҳида тузилган далолатнома асосида бажарилади.

2.7. «Буюртмачи» «Пудратчи»дан бажарилган ишларнинг миқдорини ва сифатини текшириб олади, бажарилган иш лойиҳа-смета ҳужжатларига тўғри келмаса «Пудратчи» камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф этади.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. «Буюртмачи» тақдим қилган тўлов ҳужжатларига асосан белгиланган тўлов кетма-кетлигига риоя қилган ҳолда бюджетдан маблағ олувчининг харажатлар сметасида кўзда тутилган маблағлар доирасида белгиланган тартибда ғазна ҳисоб рақамидан ёки бюджетдан ташқари ҳисоб рақамидан тўловларни амалга оширади.

«Пудратчи» ўз вақтида белгиланган стандартларга ва амалдаги қонунчиликка асосан жавоб бериши «Буюртмачи» бажарилган ишларни қабул қилиши тўлов (аванс) ҳужжатларини тўғри ва ҳаққоний расмийлаштириш ва ўз вақтида тўлаб бериш учун топшириш.

3.2. «Буюртмачи» ҳуқуқлари:

«Пудратчи»дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

«Пудратчи» дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртномага мувофиқ сифатли бажарилишини талаб қилиш:

- камчиликлар бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар «Буюртмачи» ёхуд учинчи шахслар томонидан туғриланиши харажатларини қоплашни;

- бажарилган ишларни баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш.

Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини «Пудратчи»дан талаб қилиш.

3.3. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари:

- ўз буюртномаси бўйича бажарилган ишларни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

3.4. «Пудратчи» қуйидагиларга мажбур;

«Бюджет ташкилоти»га бажарилган ишларни мазкур шартномага мувофиқ муддатларда сифатли бажариб бериш;

Агар таъмирталаб бериш жараёнида «Пудратчи» шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, «бюджет ташкилоти»нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 30 кун муддатда текин тузатиб бериш.

4. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

4.1. Ушбу шартнома суммаси **460000000 (Тўрт юз олтимиш миллион)** сўмни ташкил этади.

4.2. Ушбу шартнома бўйича ҳисоб-китоблар суммалари пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади ҳамда «Буюртмачи» «Пудратчи»га бажариладиган иш бўйича олдиндан 30 % бўнак **138000000 (Бир юз ўттиз саккиз миллион)** сўм тўловни амалга оширади.

4.3. Тўловлар «Пудратчи» билан «Буюртмачи» ўртасида имзоланган ҳар ой учун бўлган бажарилган ишлар далолатномаси Ф-5 асосида «Пудратчи» томонидан 10 кун муддат ичида амалга оширилади.

5. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

5.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

5.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

5.3. Бажарилган ишлар далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

5.4. «Бюджет ташкилоти» муддатлар бузилган ва иш сифати қониқтирмаган ҳолда бажарилан ишлар қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

5.5. Бажарилган ишлар бўйича бевосита «Бюджет ташкилоти»нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада етказиб берилган бажарилган ишнинг миқдори уларнинг сифати кўрсатилади.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Бажарилган иш сифати, миқдори «Пудратчи» томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда «Пудратчи» етказиб берилаётган бажарган ишнинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда ҳисоб-китоб қилади ва ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан

ташқари «Бюджет ташкилоти»га нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 0,5 фоизи миқдориди жарима тулайди.

6.2. Агар ажратилган ишнинг сифати, шартлар талабларига ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда айбдор томон сифати зарур даражада бўлмаган бажарилган иш қийматининг 0,4 фоизи миқдориди жарима тулайди.

6.3. Бажарилган иш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун «Пудратчи» «Бюджет ташкилоти»га белгиланган устамалардан ташқари етказиб берилиши керак бўлган бажарилган ишнинг 0,4 фоизи миқдориди жарима тулайди. Жаримадан ташқари «Пудратчи» «Бюджет ташкилоти»га бажариб берилмаганлиги натижасида етказилган зарарни тулайди.

6.4. Бажарилмаган ишни кечиктирилган ёки тўлиқ бажариб берилмаган тақдирда «Пудратчи» «Бюджет ташкилоти»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдориди пеня тулайди, бироқ бундан пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган иш қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва бажариб бериш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ бажариб берилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

6.5. Бажарилган иш учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда «Бюджет ташкилоти» «Пудратчи»га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдориди пеня тулайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

6.6. «Бюджет ташкилоти» томонидан тегишли контрактация шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун «Бюджет ташкилоти»ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) «Бюджет ташкилоти» томонидан контрактация шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслиги) олиб келган «Пудратчи»нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади.

«Пудратчи»нинг айби билан контрактация шартномасининг «Бюджет ташкилоти» томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда икки томон келишувига асосан қопланади.

6.7. Мазкур шартномада назарда тутилган томонларнинг жавобгарлиги чоратадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

7.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар қоидага кўра мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

7.2. Томонлар ўртасида келишмовчиликлар ва низоли масалалар ўзаро ҳал этилмаган ҳолларда томонлар белгиланган тартибда иқтисодий судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

8. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТАЛАБЛАРИ

8.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифодалайди ва кафолатлайди.

8.2. "Истеъмолчи" "Етказиб берувчи"га мазкур шартнома доирасида қуйидагиларни кафолатлайди ва қуйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеъмолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, "Етказиб берувчи"нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистан Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қилади.

9. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

9.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаргунга қадар амал қилади.

9.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тулланган тақдирда тўхталиди.

9.3. Ушбу шартнома Сирдарё вилоят бўйича Ғазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ва 2022 йилнинг 31 декабргача амал қилади.

10. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибда бекор қилиниши мумкин.

10.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарт билан қақиқий ҳисобланади.

10.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади, шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

11. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Буюртмачи»

Боёвут ирригация тизими бошқармаси

Манзил: Оқолтин тумани Учтом қўрғони

Ш.х.в 100021860242067042402170001

СТИР: 305940282 ОКЭД: _____

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

Ғазначилиги

Ғазна х/в: 2340 2000 3001 0000 1010

Банк номи: МБХКМ Тошкент ш.

МФО 00014

Ғазначилик бўлинмаси СТИР: 201122919

Раҳбар

У.Ф. Шакарлов



«Пудратчи»

ABROR MELERATSIYA TIZIMI

МЧЖ

Манзил: Оқолтин тумани

Х/р: 2020 8000 7007 4086 4001

Банк номи: ОАТ Турон банк

Сирдарё вилоят филиали

ОКЭД: _____

МФО: 00368 ИНН: 304637739

Раҳбар

Х. Игамбердиев



"ABROR MELERATSIYA TIZIMI" MЧЖ va "Боёвут ирригация тизими бошқармаси" ўртасида 06 декабр 2022 йилдаги 01 сонли 460 000 000 сўм 00 тийинга тузилган шартнома ҳужжатлари ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тўғрисида

ХУЛОСА № 01

06 декабр 2022 йил

Оқолтин тум.

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида" ги қабул қилинган қонун талабларига асосан тузилган.

Ушбу шартнома юқорида кўрсатилиб ўтилган "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида" ги қонуннинг ва Низомнинг талабларига мос келади.

Шартнома низоларини ҳал қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суд томонидан ёки тарафларнинг келишувига асосан ҳал қилиниши белгиланган.

Юқоридагиларни инобатга олиб "ABROR MELERATSIYA TIZIMI" MЧЖ va "Боёвут ирригация тизими бошқармаси" ўртасида 06 декабр 2022 йилдаги 01 сонли 460 000 000 сўм 00 тийинга тузилган шартнома ҳужжатлари қонуний жиҳатдан тўғри тузилган.

"Боёвут ирригация тизими бошқармаси"
ҳуқуқшуноси:

Ушбу шартнома амалдаги
қонунчиликка зид эмас.
Ўзб.Респ.Адлия Вазирлиги Сирдарё вилоят
бошқармаси томонидан берилган
ЮК №001853 Гувоҳнома
ХУҚУҚШУНОС
Х.Ф.Қўнонов

Х. Қўнонов

2022 йил
"06" 12 даги
№ 01 шартномага

1-илова

Сирдарё вилояти Боёвут ирригация тизими бошқармасига карашли сугориш тармоқларини тозалаш ва иншоатларни таъмирлаш
объекти бўйича 2022 йил ойларига бўлинган

ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ГРАФИГИ

Бош пудратчи: "Аброр мелирация тизими" МЧЖ

Курилиш муддати: 30 кун

№	Бажариладиган иш номи	Ед.из м.	Объём работ	Стоимость единицы объема	2022 йил		Всего стоимость
					Ноябрь	Декабрь	
					киймати	киймати	
1	Боёвут ирригация тизими бошқармасига карашли сугориш тармоқларини тозалаш ва иншоатларни таъмирлаш	об	1	391 000 000,0		391 000 000,0	киймати
2	ҚҚС 15%			69 000 000		69 000 000	
	Жами			460 000 000	0	460 000 000	460 000 000



БОШ ПУДРАТЧИ:

"ABROR MELERATSIYA TIZIMI" МЧЖ

директори :

У.Шакаров

Х.Игамбердиев

2022 йил
 "06" 12 даги
 № 01 шартномага

2-илова

Сирдарё вилояти Боёвут ирригация тизими бошқармасига қарашли суғориш тармоқларини тозалаш ва иншоотларни таъмирлаш объекти бўйича 2022 йил ойларига бўлинган

МОЛИЯЛАШТИРИШ ГРАФИГИ

Бош пудратчи: "Аброр мелирация тизими" МЧЖ

Курилиш муддати: 30 кун

№	Бажариладиган иш номи	Шу жумладан			
		2022 йил молиялаштириш		октябрь	Декабрь
		ўлчов бирлиги	қиймати	қиймати	қиймати
1	Аванс 30 %	сўм	138 000 000	138 000 000	322 000 000
2	Жорий молиялаштириш 70 %	сўм	322 000 000	0	322 000 000
	Жами		460 000 000	0	322 000 000



БҮЮРТМАЧИ
 "Боёвут ирригация тизими бошқармаси"
 бошлиғи

У.Шакаров



БОШ ПУДРАТЧИ:

"АБРОР МЕЛЕРАТСИЯ ТИЗИМИ" МЧЖ

директори :

Х.Игамбердиев



ТАНЛАШ БАЁННОМАСИ № 1

05.12.2022 й.

Сардоба ш.

Катнашди: Хайъат раиси: Ш. Уматов Бошлик ўринбосари
Аъзолари: А. Боймирзаев Бўлим бошлиғи
М. Сирлибоев Бўлим бошлиғи
Ф. Фозилов Бош гидротехник
Ш. Кўчқоров Бўлим мутахассиси
Котиб: Ш. Қудратов Бўлим мутахассиси

Кун тартиби

1. "БАРАКА КУРИЛИШ СЕРВИС" МЧЖ
2. "ABROR MELERATSIYA TIZIMI" МЧЖ

Кун тартибда куйидаги масала юзасидан хайъат раиси Ш. Уматов сўзга чиқиб катнашчиларга Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22-апрелдаги "Давлат харидлари тўғрисида"ги 684-сонли қонуннинг 7-боб 60-модданинг талабларига мувофиқ Боёвут ирригация тизими бошқармасига қарашли сўғориш тармоқларини таъмирлаш, механизм ёрдамда тозалаш ва гидротехник иншоотларни жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун "БАРАКА КУРИЛИШ СЕРВИС" МЧЖ, "ABROR MELERATSIYA TIZIMI" МЧЖ лардан таклифлар Электрон тендерда катнашаётганлигини маълум қилди. Танлов 2 иш кунда кўриб чиқилиб Хайъат аъзолари электрон равишда келиб тушган куйидаги таклифлар берилганлиги маълум қилди.

№	Ташкилот номи	Балл
1	"БАРАКА КУРИЛИШ СЕРВИС" МЧЖ	70.18495
2	"ABROR MELERATSIYA TIZIMI" МЧЖ	88

Хайъат раиси Ш. Уматов ушбу кўрсатилган таклиф хайъат аъзоларига таништирди. Овозга қўйиш натижасида Боёвут ирригация тизими бошқармасига қарашли сўғориш тармоқларини таъмирлаш, механизм ёрдамда тозалаш ва гидротехник иншоотларни жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун "ABROR MELERATSIYA TIZIMI" МЧЖнинг таклифи қулай бўлганлиги сабабли, шу ташкилат билан 460 000 000 сўмга шартнома тузишга қарор қилинди.

Харид комиссияси аъзоларида мазкур лот(лар) иштирокчилари билан аффилиланганлик хусусиятига эга алоқалар мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикасининг "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонуннинг (ЎРК-684-сон, 22.04.2021й) 23-моддасига

Кўра иштирокчи ва аффилиланган шахс мазкур лот(лар) иштирок этмапти.

Ушбу № 22110012196794-сонли лот рақами бўйича Боёвут ирригация тизими бошқармаси томонидан тасдиқланган танлаш баённомаси юзасидан ҳеч қандай эътироз ёки норозилик юзага келмади.

Овозга қўйиш натижасида 5та овоз билан "ABROR MELERATSIYA TIZIMI" МЧЖ галиб бўлди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда хайъат

ҚАРОР ҚИЛАДИ

"БАРАКА КУРИЛИШ СЕРВИС" МЧЖ, "ABROR MELERATSIYA TIZIMI" МЧЖ ташкилотларидан келиб тушган таклифлар эътиборга олинсин.

Танлов галиби этиб "ABROR MELERATSIYA TIZIMI" МЧЖ эълон қилинсин ва ушбу ташкилот билан 460 000 000 сўмга шартнома тузилиши маъқуллансин.

Хайъат раиси: Ш. Уматов Бошлик ўринбосари
Аъзолари: А. Боймирзаев Бўлим бошлиғи
М. Сирлибоев Бўлим бошлиғи
Ф. Фозилов Бош гидротехник
Ш. Кўчқоров Бўлим мутахассиси
Котиб: Ш. Қудратов Бўлим мутахассиси

Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 196794 на приобретение "Боёвут ирригация тизими бошқармасига қарашли суғориш тармоқларини жорий таъмирлаш, механизм ёрдамида тозалаш ва гидротехник иншоотларни жорий таъмирлаш ишлари

Способ проведения электронный

Дата 01.12.2022

Время рассмотрения 01.12.2022 10:47

Закупочная комиссия BOYOVUT IRRIGATSIYA TIZIMI BOSHQARMASI, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	UMMATOV SHAVKAT TURSUNOVICH	Бошлик уринбосари	Боёвут ИТБ
Секретарь комиссии	KUDRATOV SHUXRAT JANIKULOVICH	Булим мутахассис	Боёвут ИТБ
Член комиссии	BOYMIRZOYEV ASKAR ABDUKARIMOVICH	Булим бошлиги	Боёвут ИТБ
Член комиссии	SERLIBAYEV MUSTAFA ISAKULOVICH	Булим бошлиги	Боёвут ИТБ
Член комиссии	FAZILOV GULAMJON TUXMAKOVICH	Бош гидротехник	Боёвут ИТБ
Член комиссии	KUCHKOROV SHERZOT XUSANOVICH	Булим мутахассис	Боёвут ИТБ

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 01.12.2022 года № лота 196794.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуги по содержанию водохозяйственных систем и сооружений
Подробное описание	Боёвут ирригация тизими бошқармасига қарашли суғориш тармоқларини таъмирлаш, механизм ёрдамида тозалаш ва гидротехник иншоотларни жорий таъмирлаш ишлари учун
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	471 528 890.00
Стартовая сумма	471 528 890.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 1. Танловда иштирок этадиган корхонанинг бажарган ишлари тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда иштирок этадиган корхонанинг охириги 3 йилда сув хўжалиги объектларида бажарган ишлари тугрисида маълумот Бажарилган ишлар далолатномаси (форма2), Сув хўжалигида ишлаган объектини топшириш кабул қилиш далолатномаси

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
БАРАКА КУРИЛИШ СЕРВИС МСНҲ	25	25	13	Экспертная		
ABROR MELERATSIYA TIZIMI	25	460000000	23	Экспертная		

Критерий №2 Танловда иштирок этадиган корхонанинг доимий ишчилари тугрисида

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда иштирок этадиган корхонанинг доимий ишчилари тугрисида Ишчилар маълумоти (my.mehnat.uz сайтидан олинган бўлиши шарт).

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
БАРАКА КУРИЛИШ СЕРВИС МСНҲ	25	25	20	Экспертная		
ABROR MELERATSIYA TIZIMI	25	460000000	22	Экспертная		

Критерий №3 Танловда иштирок этадиган корхонанинг махсус техникалари тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган 3 та дан кам бўлмаган, Кўпи билан 20 йил олдин ишлаб чиқарилган шахсий (ёки лизинг шартномаси асосида) курилиш машина ва механизмларини мавжудлиги (1 дона Экскаватор, 2 дона Самосвал, 1 дона бетонкоргиш миксер).

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
БАРАКА КУРИЛИШ СЕРВИС МСНҲ	25	25	15	Экспертная		
ABROR MELERATSIYA TIZIMI	25	460000000	20	Экспертная		

Критерий №4 Танловда иштирок этадиган корхонанинг молиявий ҳолати тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Жорий кун ҳолатига Банк айланма маълумотномаси, Банк кредитидан қарздорлиги мавжуд эмаслиги, Солиқ қарздорлигининг мавжуд эмаслиги тугрисида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
БАРАКА КУРИЛИШ СЕРВИС МСНҲ	25	25	15	Экспертная		
ABROR	25	460000000	20	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MELERATSIYA TIZIMI						

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
БАРАКА КУРИЛИШ СЕРВИС МСНҲ	471 528 890.00	465 000 000.00 UZS	465 000 000.00	00.00	465 000 000.00	24.11.2022 20:30:28	19.78495
ABROR MELERATSIYA TIZIMI	471 528 890.00	460 000 000.00 UZS	460 000 000.00	00.00	460 000 000.00	25.11.2022 12:23:55	20

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
БАРАКА КУРИЛИШ СЕРВИС МСНҲ	50.4	19.78495	70.18495
ABROR MELERATSIYA TIZIMI	68	20	88

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 196794 от 01.12.2022 года на приобретение "Боёвут ирригация тизими бошкармасига карашли сугориш тармоқларини жорий таъмирлаш, механизм ёрдамида тозалаш ва гидротехник иншоотларни жорий таъмирлаш ишлари определила победителем:

ABROR MELERATSIYA TIZIMI
304637739

и резервный исполнитель: БАРАКА КУРИЛИШ СЕРВИС МСНҲ (205744204)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	UMMATOV SHAVKAT TURSUNOVICH	Согласен	
Член комиссии	BOYMIRZOYEV ASKAR ABDUKARIMOVICH	Согласен	
Член комиссии	SERLIBAYEV MUSTAFA ISAKULOVICH	Согласен	
Член комиссии	FAZILOV GULAMJON TUXMAKOVICH	Согласен	
Член комиссии	KUCHKOROV SHERZOT XUSANOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Сирдарё вилояти

Sirdaryo viloyati 120100, Sirdaryo viloyati, Guliston shahri, Hondamir ko'chasi, 7-uy, Tel. +998 67
226-06-61, E-mail: sirdarya_davekspert@mail.ru, www.ekspertiza.mc.uz www.mc.uz

Holati: Ijobiy

Direktor: Gaimov Bo'riboy Xolbayevich

Sana: 14-11-2022 yil



Yig'ma ekspert xulosasi № 71672

Obyekt nomi «"Boyovut ITBga qarashli sug'orish tarmoqlarini ta'mirlash, mexanizm yordamida tozalash va gidrotexnik inshootlarni ta'mirlash"»

Buyurtmachi - Boyovut ITB

Bosh loyihachi - " Obod-Qurilish Servis " MCHJ Yordamchi loyiha tashkiloti:

"Fayzli inshoot" MChJ

Litsenziya AL-000174 28.08.2019

Moliyalashtirish manbai - Byudjet mablag'lari hisobidan

Bosh pudratchi - tender (tanlov) asosida

Qurilish turi ta`mirlash-tiklash.

Murojaat raqami: № 66406

1. Loyihalash uchun asos

O'zb.Resp. VM 2022 yil 10 maydagi 243 son qarori.

2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar

O'zb.Resp. VM 2022 yil 10 maydagi 243 son qarori. Loyixa topshiriqnomasi, Tushuntirish xati. Anotatsia Loyixa smeta xujjatlari. Chizmalar.

3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni

"Sirdaryo viloyat Boyovut ITB ga qarashli sug'orish tarmoqlarini ta'mirlash, mexanizm yordamida tozalash va gidrotexnik inshootlarni ta'mirlash" loyiha smeta hujjatlarida quyidagi ishlar ko`zda tutilga: "Markaziy O'zan-9 kanali/Chap Tarmoq-8 kanali/ Chap Tarmoq-8 kanalidagi gidrotexnik inshootlarni ta'mirlash/Chap Tarmoq-8 kanalining PK34+82 dan PK36+32 gacha bo'lgan qismida ta'mirlash tiklash ishlari.

4. Loyihalananayotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:

5. Loyihani kelishilganligi to'g'risida hujjatlar.

Loyixa topshiriqnomasi,

6. Ekspertiza natijalari.

Joriy narxlardagi resurs smetasida quyidagilar hisobga olingan: Ishchilarning bir soat uchun o`rtacha ish haqi, normativ mehnat sarfini 1 kishi-soat ko`rsatkichining joriy narxiga ijtimoiy sug`urta to`lovlari (12%) bilan qo`shib hisoblanganda asosiy ish haqi uchun xarajat qiymati - 16925.216 soat/so`m belgilangan. Qurilish materiallari va mahsulotlari, konstruksiyalarning smetadagi narxlari O`zbekiston Respublikasi qurilish sanoatidagi qabul qilingshan moddiy-texnik resurslarining joriy narxlari katalogiga muvofiq qabul qilingan (2-chorak 2022 yil) , hamda joriy bozor narxlari asosida olingan. Transport xarajatlari miqdori - 5 %. Ekspertiza ko`rigiga qadar ob`ektning joriy ta`mirlash ishlarining loyiha tashkiloti tomonidan nuqsonli dalolatnomaga asosan tayyorlangan smeta hujjatlari. Umumiy qiymati 15% QQS buyurtmachini boshqa xarajatlari bilan -496 564 766 so`m taqdim etilgan.

Ekspertiza jarayonida smeta hujjatlariga o`zgartirishlar kiritilmadi. Buyurtmachi boshqa harajatlardan 11 840 000 so`m kamaydi.

7. Xulosalar.

Ekspertiza natijalarini hisobga olgan holda "Sirdaryo viloyat Boyovut ITB ga qarashli sug`orish tarmoqlarini ta`mirlash, mexanzm yordamida tozalash va gidrotexnik inshootlarni ta`mirlash" loyiha smeta hujjatlari cheklangan miqdori 15% QQS va buyurtmachini boshqa xarajatlari bilan 484 724 766 so`m belgilanadi. Shundan :

Qurilish montaj ishlari QQS bilan - 471 528 ,890 ming so`m.

Qurilish montaj ishlari QQS siz -410 025,122 ming so`m.

O`zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 22.04.2021 yildagi 684-sonli Qarori va O`zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 31.01.2022 yildagi 46-sonli qarori talablariga rioya etilgan holda, hamda SHNK 4.01.16-09 me`yorlariga muvofiq tanlov savdolarini o`tkazish uchun ob`yektning qiymati buyurtmachi tomonidan belgilanadi.

Tasdiqlash uchun tavsiya etilgan joriy ta`mirlash ishlari narxi cheklangan qiymat hisoblanib, asosiy qarorni buyurtmachi va bosh pudrat korxonasi tomonidan shartnomaviy munosabatlar orqali amalga oshiriladi.

Bosh mutaxassis: Toshbayev O`ktamjon Abdurayimovich



**«ABROR MELERATSIYA TIZIMI»
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИНИНГ
УСТАВИ**

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. «**ABROR MELERATSIYA TIZIMI**» Масъулияти Чекланган Жамияти (кейинчалик матн буйи «Жамият» деб номланадиган) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ мустақил юридик шахс мақомига эга, ҳамда мустақил балансига эга бўлади ва ўз фаолиятини тўлиқ ҳужал хисоби, ўз-ўзини таъминлаш асосида амалга оширади.

1.2. Куйидаги жисмоний шахс жамиятнинг таъсисчиси хисобланади:
Igamberdiyev Abror Xasanjon-o'g'li

паспорт маълумотлари: АА 1176610 03 апрел 2013 йил Сирдарё вилояти Оқолтин тумани ИИ томонидан берилган.

Яшаш манзили: Сирдарё вилояти Оқолтин туман Фаргона ШФЙ Маргилон кучаси 8-1 уй

1.3. Жамиятнинг тўлиқ расмий номи:

- ўзбек тилида: «**ABROR MELERATSIYA TIZIMI**» масъулияти чекланган жамияти;
 - рус тилида: Общество с ограниченной ответственностью «**ABROR MELERATSIYA TIZIMI**».
- Жамиятнинг қисқа расмий номи:
- ўзбек тилида: «**ABROR MELERATSIYA TIZIMI**» МЧЖ;
 - рус тилида – ООО «**ABROR MELERATSIYA TIZIMI**».

1.4. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонун ва бошқа меъёри ҳужжатларга, ҳамда Ушбу Низом ва Жамият Таъсис Шартномасига мувофиқ амалга оширади.

1.5. Жамият ўз фаолиятининг белгиланган мақсадларига эришиши учун ўз номида шартномалар тузиш, мулий ҳуқуқларни кулга киритиш ва жавобгарликни ўз зиммасига олиш Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ барча юридик аҳамиятига эга бўлган ҳаракатларни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида ҳужали фуқаролик ишлари буйича, ҳақамлик ва халқаро судларида даъвогар ва жавобгар бўлиш ҳуқуқига эга бўлади.

1.6. Жамият ўз тузилма булимларини, шуъба корхоналарини, филиалларини ва ваколатхоналарни ташкил этиш ҳуқуқига эга. Жамиятнинг тузилма булимлари, шуъба корхоналари, филиаллари ва ваколатхоналари Жамият томонидан тасдиқланган Низом асосидан иш юритадилар.

1.7. Жамиятнинг почта манзили: Сирдарё вилояти Оқолтин туман Фаргона шаҳарчаси.

1.8. Жамият узининг расмий номи курсатилган думалок муҳрга, бурчакли штампга ва фирм бланкаларига эга бўлади.

1.9. Жамият фаолиятининг муддати чекланмаган.

2. ФАОЛИЯТ МАЗМУНИ ВА ТУРЛАРИ

2.1. Сугориш, мелиорация (сугориш, қуритиш) бўйича махсус қурилиш ишларини, артезиан қудуқларини қурувчи ва Бошқа маданий-техник ишларни бажарувчи ташкилотлар;

2.2. Жамият ўз мақсадига қура куйидаги фаолият турларини амалга оширади:

2.2.1. Қурилиш ва таъмирлаш ишларини олиб бориш ва хизмат кўрсатиш

2.2.2. Хар қайси турдаги технологик трубопровод, жиҳоз, котальний, стандарт бўлмаган асбоб ускуналарни монтаж қилиш;

2.2.3. Савдо ва воситаличлик фаолияти, чакана ва улгуржи савдо;

2.2.4. Аҳолига пуллик майиший хизмат кўрсатиш;

- уйларга ва корхоналарга электр симларини, жиҳозларни, электр улчагичларни урнатиш ва иш тушириш;

- электр ускуналарни профилактик куриқдан утказиш;

- янги қурилаётган бино, иншоотлар ва ташкилотларга электр ускуналарни урнатиш ва монтаж ишларини бажариш;

- 35 КВгача ҳаво тармоқлари монтаж ишларини олиб бориш.

2.2.5. Электр қурилмаларини, трансформаторларни, сув насоси, электр жиҳозларни симларини урнатиш ва ишга тушириш;

2.2.6. Чет эллик шериклар билан ҳамкорликда ўз булимларини, филиалларни ваколатхоналарни, агентликларни, қўшма корхоналарни ва бошқа ташкилотларни ташкил этиш

- 2.2.7. Маданиялик, бадиисезлик ва паррандонлик маҳсулотлари этиштириш, қайта ишлаш ва сотиш
- 2.2.8. Босдорчилик фаолиятини ташкил этиш
- 2.2.9. Телекоммуникация оператор ва провайдерларга воситачилик хизматларини кўрсатиш (потенциал абонентлар сонини ошириш, абонентлик шартномаларини тузиш ва абонентларга ахборот маълумотлари хизматларини кўрсатиш ёки отказиб бериш хизматлари, этиказиб беришчилар хизматлари учун тўловларини қабул қилиш)
- 2.2.10. Автомобил хўжалигидан фойдаланувчи ва хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар, трестлар, бирлашмалар, ихтисослаштирилган Бошқармалар, автомобил хўжаликлари, автомобил корхоналари, автобус ва таксомотор паркларини ташкил этиш
- 2.2.11. Автомобилларни таъмирлаш пунктларини ташкил этиш
- 2.2.12. Маҳсулотларни жойлаштириш учун тарапарни ишлаб-чиқариш
- 2.2.13. Таъжи ихтисодий фаолиятни амалга ошириш
- 2.2.14. Уҳдвий ва махсус қурилиш-монтаж ишларини бажариш
- 2.2.15. Сугориш, мелiorация (сугориш, қуритиш) бўйича махсус қурилиш ишларини, артезиан қудуқларини қурувчи ва бошқа миданий-техник ишларини бажариш
- 2.2.16. Халқ истеъмол моллари, халқ бадий ва хунармандчилик буюмларини ишлаб-чиқариш, сотиб олиш ва сотиш
- 2.2.17. Транспорт-экспедиторлик хизматларини кўрсатиш, ташкилот ва jisмоний шахсларга юк ташичи хизматлар кўрсатиш, шу каторда юкларни декларация қилиш
- 2.2.18. Жамиятнинг шахсий мулки (бинолар, транспорт, асбоб-ускуналар, аудио ва видеокассеталарни) ижарага бериш
- 2.2.19. Саёхат ва барча дам олиш турларини ташкил этиш
- 2.2.20. Реклама фаолияти
- 2.2.21. Полиграфия ва нашриёт фаолияти
- 2.2.22. Лизинг хизматлари ва молиявий ижара ишларини ташкил этиш
- 2.2.23. Мехмонхона хизматларини кўрсатиш
- 2.2.24. Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан ман этилмаган турли қурилишдаги фаолиятни, шу жумладан сармоя билан боғлиқ бўлган фаолиятларни амалга ошириш

2.3. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан таъқиқланмаган барча фаолият турларини амалга ошириш

2.4. Жамият махсус рухсатнома (лицензия) маъжуд бўлган ҳолда амалга ошириладиган уз фаолият турларини амалдаги қонун ҳужжатларида қузда тўтилган тартиб ва қоидалар асосида амалга оширади

3. ЖАМИЯТНИНГ МОЛ-МУЛКИ

3.1. Жамият мол-мулки унинг қиймати Жамиятнинг мустақил балансида акс эттириладиган асосий ва айланма маблағлардан ташкил топади. Жамият Таъсисчиси Низом Фондига қушган улушлари, молия-хўжалик фаолияти натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва олинган даромдлар, амалдаги қонунчилигига мувофиқ ортирилган бошқа мол-мулк ҳисобидан шакллантирилади.

3.2. Жамият уз мол-мулкини хусусий мулк ҳуқуқи асосида бошқаради. Жамият бу ҳуқуқни амалга ошириб, узининг мол-мулкига нисбатан эгаллик қилади, фойдаланади ва тассаруф этади.

4. ЖАМИЯТНИНГ НИЗОМ ФОНДИ

4.1. Жамият фаолиятини таъминлаш учун Таъсисчилар улушлари ҳисобидан 6000 000,00 (Олти миллион) сўм миқдорида Низом фонди шакллантиради

4.2. Жамият Таъсисчиларнинг Жамиятнинг Низом фондида киритилган улушнинг миқдори ва номинал қиймати қуйидаги тарзда белгиланади:

Таъсисчилар	мол-мулк номи	Жаъми улуши (сўм)	Улуш суммаси	Фонди %
Igamberdiyev Abror Hasanjon-o'g'li	Пул маблағи	6 000 000	6 000 000	100 %
Жами:		6 000 000	6 000 000	100 %

4.3. Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилига мувофиқ муомоладан чекланмаган ёки муомоладан чиқарилмаган ҳар қандай мол-мулк, шу жумладан тулов қунига бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан урнатилган қиймати бўйича чет валютадаги пул маблаглари, ашё-буюмлар, мулкӣ ҳуқуқлар ва бошқа тасаруф этиладиган ва пулда баҳоланадиган ҳуқуқлар Жамият Таъсисчисининг улуши бўлиши мумкин. Жамият Низом фондига Таъсисчи томонидан киритиладиган пуллик бўлмаган улушларнинг пул баҳоси Таъсисчисининг Умумий Йиғилиши томонидан бир овоздан қабул қилинган қарори билан белгиланади.

4.4. Жамият Таъсисчисининг Умумий Йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорига асосан Жамиятнинг Низом фонди миқдори қупайтирилиши ёки қамайрилиши мумкин.

4.5. Жамиятнинг Низом фондининг қупайрилиши фақатгина Таъсисчи уз улушларини тулик киритгандан сунг амалга оширилиши мумкин. Жамиятнинг Низом фонди қупайрилиши Таъсисчисининг қушимча улушлари ҳисобидан ва ёки Жамият ҳисобидан амалга оширилиши мумкин. Жамиятнинг Низом фонди Жамият ҳисобидан қупайрилиши туғрисида қарор фақат ушбу қарор қабул қилинадиган йилдан олдинги йил Жамиятнинг бухгалтерия ҳисоботи маълумотларига асосан қабул қилиниши мумкин.

4.6. Жамият уз Низом фонди Жамият Таъсисчисига тегишли бўлган улушларнинг номинал қийматини қамайрилиш ва ёки Жамиятга тегишли бўлган улушларни тулаш йули билан қамайрилиши мумкин. Жамият Низом фонди қамайрилиши туғрисидаги қарор қабул қилинган қундан бошлаб уттиз қун мобайнида Жамият Низом фонди қамайрилиши ва унинг янги миқдори туғрисида унга маълум бўлган Жамиятнинг барча қредиторларни хабар қилиши шарт, ҳамда қабул қилинган қарор туғрисида хабарни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиши керак.

4.7. Жамият Низом фонди миқдорини узгартириш ҳақидаги қабул қилинган қарор ушбу Низомга ва Жамият Таъсис Шартномасига тегишли узгартиришлар ва қушимчалар давлат руйхатидан утгандан сунг учинчи шахслар учун қучга қиради.

4.8. Жамият Таъсисчиси Жамиятнинг Низом фондидаги уз улушини ёки унинг бир қисмини битта ёки бир нечта Жамият Таъсисчисига сотиши ёки бошқа йули билан воз қечиши мумкин. Бундай ҳолатда Жамиятнинг қолган Таъсисчисининг розилиги олиниши керак эмас. Жамиятнинг Низом фондидаги улушни воз қечиш туғрисидаги битим нотариал тартибда тасдиқланиши шарт. Акс ҳолда ушбу битим ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

4.9. Жамият Таъсисчисига Низом фондидаги уз улушини учинчи шахсларга сотиши ёки бошқа йули билан воз қечиши таъқиқланади.

4.10. Жамиятнинг Низом фондидаги улушлар Жамият Таъсисчиси таркибига қирган ҳисмоний шахслар меросқурларига ва юридик шахсларни ҳуқуқий ворисларига утади.

4.11. Жамиятнинг Низом фондидаги улушларнинг қаида 10 % эга бўлган Жамиятнинг Таъсисчиси Жамият олдида уз мажбуриятларини қупол равишда бузган ёки уз ҳаракатлар (ҳаракатсизлиги) билан Жамиятнинг фаолият қурсатишга имқон бермаётган ёки уни жиддий равишда қийинлаштираётган Таъсисчисини суд тартибда Жамиятдан қичарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадирлар, аммо Низом фондини қамайрилиш ёки қупайрилиш масаласи бундан мустасно.

4.12. Жамиятнинг Таъсисчиси уз истаган вақтда қолган Таъсисчисини розилигига қарамаздан уз улушини олган ҳолда Жамиятдан қичиши мумкин.

4.13. Жамиятдан қикан ёки қичарилган Таъсисчисининг улуши Жамиятни ҳисобига утади. Бундай ҳолатда Жамиятдан қикан ёки қичарилган Таъсисчига унинг улушининг ҳақиқий қийматини тулаб бериши ёки Таъсисчисини розилиги билан ушбу улушнинг қиймати миқдориди Жамиятнинг мол-мулкини бир қисмини натура шаклида Таъсисчига беради. Жамият ҳисобига утган улуш Жамиятни ҳисобига утган вақтдан бошлаб бир йил мобайнида Таъсисчисининг Умумий Йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорига асосан қолган Таъсисчи уртасида уларнинг Низом фондига қушган улушига нисбатан тенг равишда тақсимланиши ёки битта ёки бир нечта Таъсисчига сотилиши керак.

5. ФОНДНИНГ ТАКСИМЛАНИШИ ВА ЗАРАРЛАР КОПЛАШ ТАРТИБИ, ЖАМИЯТНИНГ ФОНДЛАРИ

5.1. Жамиятнинг маънавий-хушхаллик фаолияти натижасида туғилган фойда Бюджетга ва нобюджет фондларга солиқлар ва бошқа мажбурий туловларни тулантаддан кейин ва қолганда белгиланган шартномаларни инобатга олган ҳолда Таъсисчи ўртасида уларнинг Низом Фондига юритилган улушларга тенг миқдорда мавжуд бўлиши ёки натижалари буйича тақсимланади. Фонднинг тақсимлаш тўғрисида қарор Таъсисчининг Умумий Йиғилиши томонидан қабул қилинади.

5.2. Маънавий-хушхаллик фаолияти юзасидан Жамиятта юз берилган зарарлар шу мавзуда ташкил этилаётган заҳира фонди ҳисобидан қопланади.

5.3. Жамиятнинг заҳира фонди Жамиятнинг Низом Фондидан 25 % миқдорда шакллантирилади. Заҳира фонди белгиланган миқдордан ошганда Жамиятнинг заҳира фондида 5 % миқдорда ҳар йилги ажратмалар амалга ошириш йули билан шакллантирилади.

6. ТАЪСИСЧИНИНГ ХУКУКЛАРИ, МАЖБУРИЯТЛАРИ ВА ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Жамиятнинг Таъсисчи куйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:

6.1.1. Ушбу Низом, Жамиятнинг Таъсис Шартномаси ва қонун билан қўзда тутилган тартибда Жамият ишларининг бошқарувида қатнашиш;

6.1.2. Жамият фаолиятидан тушадиган фойданинг тақсимлашида қатнашиш;

6.1.3. Жамият фаолияти ҳақидаги тулик ахборотни олиш ва унинг бухгалтерия ҳисоботи ҳужжатлари билан белгиланган тартибда таниқлаб чиқиш;

6.1.4. Қонун ва Ушбу Низом билан белгиланган тартибда Жамиятнинг Низом фондидан уз улушани еки унинг бир қисмини Жамият битта еки бир нечта Таъсисчига сотиши еки бошқа йули ваз кечиш;

6.1.5. Уз истаган вақтда қолган Таъсисчининг розилигига қарамастан қонун ва Жамият таъсис ҳужжатлари билан белгиланган тартибда Жамиятдан чиқиш;

6.1.6. Жамият тугатилаётганда кредиторлар билан ҳисоб-китоблар амалга оширилгандан сунг қолган Жамият мол-мулкнинг бир қисмини еки унинг қийматини олиш;

6.1.7. Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ, ҳамда Ушбу Низомда ва Таъсис Шартномасида қўзда тутилган бошқа ҳуқуқларга эга бўлади.

6.2. Жамият Таъсисчиси куйидагиларга мажбурдирлар:

6.2.1. Ушбу Низомда ва Жамиятнинг Таъсис Шартномасида қўзда тутилган тартибда, миқдорда ва муддатларда Жамият Низом Фондига уз улушани киритиш;

6.2.2. Жамият Таъсисчининг Умумий Йиғилишининг қарорларини ижро этиш;

6.2.3. Жамият фаолияти билан боғлиқ махфий маълумотларни ошқор қилмаслик;

6.2.4. Ушбу Низом ва Жамиятнинг Таъсис Шартномаси қоидаларига риоя этилиш;

6.2.5. Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ, ҳамда Ушбу Низомда ва Жамиятнинг Таъсис Шартномасида қўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажаришлари шарт.

6.3. Таъсисчи Жамият мажбуриятлари буйича, Жамият аса Таъсисчиларнинг мажбуриятлари буйича жавоб бермайди.

6.4. Таъсисчи узлари қўшган улушлари чегарасида Жамият фаолияти билан боғлиқ бўлган зарарлар таввақалчилигини уз зиммаларига оладилар. Уз улушани тулик туланмаган Жамиятнинг Таъсисчиси Жамиятнинг мажбуриятлари буйича уз улушанинг туланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

7. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

7.1. Таъсисчининг Умумий Йиғилиши Жамиятнинг олий бошқарув органи ҳисобланади.

7.2. Таъсисчи узларининг Низом Фондига қўшган улушларига тенг миқдорда овоз берадилар, бир овоз - Таъсисчининг Низом Фондига қўшган улуш номинал қийматининг битта тулик фондида иборат бўлади.

7.3. Қуйидагилар Таъсисчининг Умумий Йиғилиши мутлақ ваколатларига кирди:

- 7.3.1. Жамият фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш, ҳамда тижорат ташкилотларнинг бошқа уюшмаларига илтирок этиш тўғрисида қарорни қабул қилиш;
- 7.3.2. Жамият Низом Фонди миқдорини ўзгартириш;
- 7.3.3. Ушбу Низомга ва Жамият Таъсис Шартномасига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш ва Ушбу Низомни ва Жамиятнинг Таъсис Шартномасини энги тахрирда тасдиқлаш;
- 7.3.4. Жамият Директорини тайинлаш ва унинг ваколатларини муддатдан илгари тугатиш;
- 7.3.5. Жамият фаолиятининг йиллик ҳисоботларни ва йиллик балансларини тасдиқлаш;
- 7.3.6. Жамият олган соф фойданинг Жамият Таъсисчиси уртасида тақсимлаш тўғрисида қарорни қабул қилиш;
- 7.3.7. Жамият органларининг фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни тасдиқлаш (қабул қилиш);
- 7.3.8. Жамият томонидан облигацияларни жойлаштириш тўғрисида қарорни қабул қилиш;
- 7.3.9. Аудитор таъйинловини ўтказиш тўғрисида қарорни қабул қилиш, аудитор ташкилотини танлаш ва унинг қизматлар ҳақини юқори миқдорини белгилаш;
- 7.3.10. Жамиятнинг қайта ташкил этилиши ва тугатилиши ҳақидаги қарорларни қабул қилиш;
- 7.3.11. Тугатиш комиссиясини тайинлаш ва тугатиш балансини тасдиқлаш;
- 7.3.12. Жамият шўба корхоналари, филиаллари ва ваколатхоналарни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида қарорларни қабул қилиш, улар ҳақидаги Низомларни тасдиқлаш;
- 7.3.13. Жамият маблағлари ҳисобидан бошқа юридик шахсларни таъсис этиш, акциялар ва бошқа юридик шахсларнинг Низом Фондидаги улушларини сотиб олиш;
- 7.3.14. Жамият томонидан қонунда қўзда тутилган йирик битимларни тузиш тўғрисида қарорни қабул қилиш;
- 7.3.15. Жамият Директорини мулкий жавобгарликка тортиш тўғрисида қарорни қабул қилиш;
- 7.3.16. Жамият томонидан Жамият Таъсисчисига тегишли булган улушни сотиб олиш.

7.4. Таъсисчининг Умумий Йиғилиши, агар унда Таъсисчининг турдан уч қисми мавжуд бўлса ваколатли (кворумга эга) деб ҳисобланади.

7.5. Ушбу Низомнинг 7.3 моддасида назарда тутилган Таъсисчининг Умумий Йиғилиши мутлақ ваколатлар доирасига киритилган масалалар буйича қарорлар Йиғилишда илтирок этаётган Таъсисчининг учдан икки қисми овозлар қўлчилиги билан қабул қилинади.

7.6. Ҳар бир Таъсисчи Таъсисчининг Умумий Йиғилиши чақирилиши тўғрисида унинг ўтказилишидан қаида 25 (йигирма беш) кун олдин ёзма равишда хабардор қилиниши шарт. Хабарномада Таъсисчининг Умумий Йиғилишига қўйилаётган кун тартиби масалалари курсатилади. Жамиятнинг ҳар бир Таъсисчи Йиғилиш ўтказилишидан қаида ун беш кун олдин Таъсисчининг Умумий Йиғилишининг кун тартибига қўшимча масалалар киритиш тўғрисида таклиф киритиши ҳуқуқига эга.

7.7. Таъсисчининг Умумий Йиғилиши бир йилда бир мартаба чақирилади. Таъсисчининг навбатдан ташқари Умумий Йиғилиши бирон бир Таъсисчини еки Жамият Директори ташаббусига қўра чақирилади.

7.8. Жамиятнинг кундалиқ фаолиятига раҳбарлик қилиш учун яққа ижро этувчи орган - Директор тайинланади.

7.9. Директор Таъсисчининг Умумий Йиғилиши қарорига қўра уз лавозимига уч йил муддатга тайинланади, унинг олдида ҳисобот беради ва Йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорларини бажарилишини таъминлаб беради.

7.10. Қўйидагилар Директор ваколатлар доирасига қирадилар:

- 7.10.1. Жамият кундалиқ фаолиятига раҳбарлик қилиш;
- 7.10.2. Жамият номидан битимлар тузиш, аммо қонунда курсатилган йирик битимлар бундан мустасно;
- 7.10.3. Таъсисчининг Умумий Йиғилишига ҳисобот давр натижалари буйича Жамият фаолияти ҳақидаги ҳисоботни тақдим этиш, бухгалтерия ҳисоботни юритишни таъминлаш;
- 7.10.4. Жамият номидан ишончномасиз ҳаракат қилиш;
- 7.10.5. Жамиятнинг ходимлари билан меҳнат шартномаларни тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш, ҳамда уларга нисбатан рағбатлантириш чораларини ва интизомий жазоларни қўллаш;
- 7.10.6. Ишончномалар бериш, Банкларда Жамиятнинг ҳисоб-варақларини очиш;

7.10.8. Буйруқлар чиқариш ва Жамият ходимларига ижроси мажбурий булган курсатмаларни бериш.

7.10.9. Амалдаги қонунчилигига мувофиқ, ҳамда Ушбу Низом ва Жамият Таъсис Шартномасида қузда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

7.11. Жамиятнинг Директорни фаолият курсатиш, жавобгарлиги ва унинг томонидан қарорлар қабул қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Ушбу Низом ва Жамиятнинг Таъсис Шартномаси, ҳамда Жамият ва Директор уртасида тузилган меҳнат шартномаси билан белгиланади.

8. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ, ХИСОБ ВА ХИСОБОТНИ ОЛИБ БОРИШ ТАРТИБИ

8.1. Жамиятнинг молиявий ҳужжатлари ишончлиги ва бухгалтерия хисоботи олиб бориш тартиби урнатилган талабларга мослигини текшириш учун Жамият Таъсисчининг Умумий Йигилиши томонидан қабул қилинган қарорига асосан қонунда белгиланган тартибда аудитор ташкилоти жалб қилиниши мумкин.

8.2. Жамият уз фаолият натижаларини бухгалтерия ва статистика хисоботини Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонун ва меъерий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширади.

8.3. Жамиятнинг фаолият яқунлари белгиланган тартибга тузиладиган хисоботларда акс эттирилади.

8.4. Ундириб олинишдан умид булмаган қарзлар, қамомадлар, моддий-товар бойликларининг йуқолиши, маънавий эскирган асбоб-усқуналар ва воситаларни Жамият балансида қиқарилғица Директор томонидан амалга оширилади.

9. ЖАМИЯТНИНГ ҲУЖОАТЛАРНИ САҚЛАШ

9.1. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида Жамият қуйидаги ҳужоатларни узининг фаолият давомида сақлинишини таъминлаб бериши қерак:

- Жамиятнинг таъсис ҳужоатлари, ҳамда Жамиятнинг таъсис ҳужоатларига белгиланган тартибда қиритилган ва руйхатдан утқазилган узгартиришлар ва қушимчалар,
- Жамиятнинг тузиш туғрисида ва Низом фондиға қиритилган пуллик булмаган улүшларнинг пул бақосини тасдиқлаш туғрисида Таъсисчи Умумий Йигилишининг баенномалари,
- Жамиятнинг давлат руйхатдан утганлиги туғрисида ҳужоатлар,
- Жамиятнинг унинг балансида акс эттирилган мол-мулкига булган ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужоатлар,
- Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари туғрисида низомлар,
- Жамиятнинг облигацияларини чиқариш билан боғлиқ булган ҳужоатлар,
- Жамиятнинг Таъсисчининг Умумий Йигилишининг баенномалари,
- Аудитор ташкилотининг ҳулосалари,
- Амалдаги қонунчилиги билан қузда тутилган бошқа ҳужоатлар.

9.2. Ушбу Низомнинг 9.1 бандида қузда тутилган айрим ҳужоатларни сақлаш муаддати Таъсисчининг Умумий Йигилиши томонидан қабул қилинган қарори билан қиқартирилиши мумкин.

9.3. Ушбу Низомнинг 9.1 бандида қузда тутилган ҳужоатлар узининг иқро этувчи органи жойлашган манзили буйича еки Жамият барча Таъсисчига маълум булган ва қиритиш мумкин булган жойда сақланади.

9.4. Ушбу Низомнинг 9.1 бандида курсатилган ҳужоатлар билан Жамият Таъсисчи ва Жамиятда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган мансабдор шахслар истаган вақтда танишиб чиқишлари мумкин. Давлат органлари ва уларидаги мансабдор шахслари Жамият фаолиятига онд булган ҳужоатлар билан, шу жумладан юқориди айтиб утилган ҳужоатлар билан, фақат қонунда курсатилган қолатларда ва тартибда танишиб чиқиш ҳуқуқига эга буладилар.

10. ЖАМИЯТНИНГ КАЙТА ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА ТУГАТИЛИШИ

10.1. Жамиятнинг кайта ташкил этилиши (бирлашиши, қурилиши, ажралиб чиқиши, булиниши, кайта тузилиши) ва тугатилиши Таъсисчининг Умумий Йиғилишининг қарорига биноан, ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган ҳолларда амалга оширилади.

10.2. Тугатилиши билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш учун Таъсисчининг Умумий Йиғилиши томонидан тугатиш комиссияси тузилади. Тугатиш комиссиясига тайинланган вақтдан бошлаб Жамиятчиларини бошқариш бўйича ваколатлар утади. Тугатиш комиссияси Жамиятнинг мўлқлигини баҳолайди, унинг дебитор ва кредиторларини аниқлайди ва улар билан ҳисоб-китобларни амалга оширади, тугатиш балансини тузиб чиқади ва уни Таъсисчи Умумий Йиғилишига тақдим этади.

10.3. Жамият тугатилиши тугрисида хабарнома матбуотда эълон қилинади.

10.4. Бюджет ва нобюджет фондлари билан солиқлар ва бошқа мажбурий туловлар, Жамиятҳодимларига иш ҳақи ва Жамиятбарча кредиторлари билан ҳисоб-китобларни тамомлангандан сунг Жамиятнинг қолган мўлқ-мўлки ва пул маблағлари Таъсисчининг Низом Фондига қўшган улушига нисбатан тенг равишда Таъсисчи уртасида тақсимланади.

10.5. Жамиятнинг кайта ташкил этилиши, қурилиш, бирлашиш, ажралиш, чиқиб кетиш ва қайтадан тузиш йули билан Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

10.6. Жамият ягона давлат реестрига тегишли езувлар киритилган вақтдан бошлаб Жамиятнинг тугатилиши яқунланган, Жамият эса уз фаолиятини тамомланган деб ҳисобланади.

«ABROR MELERATSIYA TIZIMI»

Масъулияти Чеklangан Жамияти раҳбари



Iqan Berdiyev Abror Xasanjon-o'g'li

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
SIRDARYO VILOYATI OQOLTIN TUMANI
YURIDIK SHAXSNI DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZISH TO'G'RSIDA

GUVOHNOMA

Реестрдаги тартиб рақами №- 0117

№ 0107

" 11 " феврал 2017 йил

Маъқур гувоҳнома юридик шахс:

"ABROR MELERATSIYA TIZIMI"

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ

(давлат тилидаги тулик номи)

Давлат руйхатидан почта манзили: Фаргона ШФЙ

Ташкилий-ҳуқуқий шакли:	ТХШ 152
Мулкчилик шакли:	МШ 142
Почта манзили:	МҲОБТ 1724206552
Юридик шахс коди:	КТУТ 26888419
Солиқ тўловчининг идентификация рақами:	СТИР 304637739

Қўшимча маълумотлар



(ил.)